'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani

HOKIMI

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани

ҲОКИМИ

178

# ҚАРОР

yil "12" август №834-қ

**Фукаро Ормонов Неъматга кичик паррандачилик биносини куриш ва богзор барпо килиш учун 1,0 га кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиш хакида.**

Самарканд туман хокимлиги хузуридаги ер участкаларини кишлок хужалиги кооперативи (ширкат) хужалиги, дехкон ва фермер хужаликларига ва бошка ташкилот, корхоналарга ер участкаларини узок муддатли ижарага бериш (реализация килиш) масалаларини куриб чикувчи комиссияси йигилишининг 2009 йил 14 июлдаги 162 ракамли хулосаси, ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ва фукаро Ормонов Неъматни туман хокими номига берган аризасини инобатга олиб, Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 ва 78 моддасига асосан

**К А Р О Р К И Л А М А Н:**

1.Фукаро Ормонов Неъматга собик Самарканд жамоа хужалиги худудидан окиб утувчи «Даргом» каналининг чап киргокидаги туман Давлат захира ерлари хисобидан кичик паррандачилик биносини куриш учун-0,2 га ва богзор барпо килиш учун-0,8 га жами: 1,0 га кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиш хакидаги Самарканд туман хокимлиги хузуридаги ер участкаларини кишлок хужалиги кооперативи (ширкат) хужалиги, дехкон ва фермер хужаликларига ва бошка ташкилот, корхоналарга ер участкаларини узок муддатли ижарага бериш (реализация килиш) масалаларини куриб чикувчи комиссияси йигилишининг 2009 йил 14 июлдаги 162 ракамли хулосаси ва ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиклансин.

2.Фукаро Ормонов Неъматга кичик паррандачилик биносини куришдан олдин Узбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал килган холда А.Р.Т. лойиха смета хужжатларини тайёрлаб Давлат курилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси руйхатидан утказиш вазифаси топширилсин.

3.Ушбу карорни бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Б.Кодиров зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими:** [signature] **Б. Садуллаев**

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani

HOKIMI

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани

ҲОКИМИ

243

# ҚАРОР

09 yil "15" август №239-к.

«Самарканд тумани «Гулобод ёгоч» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги ихтисослаштирилган бозори худудида фукаро Джураев Фирдавс томонидан курилиши тугатилган савдо дуконини фойдаланишга кабул килиш тугрисида.»

Узбекистон Республика «Шахарсозлик кодекси»нинг 20 моддаси, туман хокимининг 2007 йил 20 декабрдаги 1246-К сонли карори, фукаро Джураев Фирдавснинг туман хокими номига ёзган аризаси хамда туман давлат кабул килиш хайъатининг тузган далолатномасига асосан

К А Р О Р К И Л А М А Н :

1. Самарканд тумани «Гулобод ёгоч» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги ихтисослаштирилган бозори худудида фукаро Джураев Фирдавс томонидан туман хокимининг 2007 йил 20 декабрдаги № 1246-к сонли карори асосида масохати 36 м.кв булган савдо дуконини куриш ишлари тугатилганлигини инобатга олиб, туман давлат кабул хайъатининг тузган далолатномаси тасдиклансин.

2. Фукаро Джуреав Фирдавс томонидан куриб битказилган савдо дуконига эгалик килиш хукуки берилсин, хамда туман ер тузиш ва кучмас мулк давлат кадастр хизмати унитар корхонаси руйхатидан утказиш топширилсин.

3.Ушбу карор ижросини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Б.Кодиров зиммасига юклатилсин.

Туман хокими Б.Садуллаев

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani

HOKIMI

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани

ҲОКИМИ

# ҚАРОР

№ 841-и

2009 yil "16" август

**Самарканд туман «Охалик» кишлок фукаролар йигини «Ёшлик» махалласида жойлашган савдо дукон бино иншоотлари жойлашган 365,54 кв. метр ер майдонидан доимий фойдаланиш хукукини фукаро Кушмуродов Ёрмонга бериш хакида.**

Узбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Узбекистон Республикасида ер участкаларига булган хукукларни давлат руйхатидан утказиш тартиби тугрисидаги» 736-сонли йурикномаси, Тайлок туманлараро фукаролик иши буйича судининг 2009 йил 24 апрелдаги хал килув карори, фукаро Кушмуродов Ёрмоннинг туман хокими номига ёзган аризаси, Самарканд туман «Ермулккадастр» хизмати давлат унитар корхонаси томонидан тайёрланган кадастр инвентаризация хужжати хамда Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 22-моддасига асосан

**Карор киламан:**

1. Самарканд туман «Охалик» кишлок фукаролар йигини «Ёшлик» махалласида жойлашган савдо дукон бино-иншоотлари эгаллаган жами 365,54 кв.метр ер майдонидан доимий фойдаланиш хукуки фукаро Кушмуродов Ёрмонга берилсин.

2. Узбекистон Республикасининг «Солик кодекси»га асосан ер солигини ундириш ва кадастр руйхатидан утказиш туман Давлат солик инспекцияси (З. Аминов) ва туман «Ермулккадастр» хизмати давлат унитар корхонаси (Т Шаропов)га топширилсин.

3. 2010 йил 1 январ холатидаги ер балансига узгартириш киритиш туман Ер ресурслари ва давлат кадастри булими (Ш Бурхонов)га топширилсин.

4. Ушбу карорни бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Б. Кодиров зиммасига юклансин.

**Туман хокими:** **Б. Садуллаев**

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani

HOKIMI

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани

ҲОКИМИ

268

# ҚАРОР

№ 842-к

2009 yil "16" август

**Фукаро Сатторов Асламга гушт дукони куриш учун 17,0 кв. метр кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиш хакида.**

Самарканд туман «Улугбек» кишлок фукаролар йигини Бузи махалласида яшовчи фукаро Сатторов Аслам туман хокими номига ариза билан мурожаат этиб гушт дукони куриш учун ер майдони ажратиб беришни сураган.

Туман хокимлиги хузуридаги ер участкаларни кишлок хужалиги кооперативи (ширкат) хужалиги, дехкон ва фермер хужаликларига ва бошка ташкилот, корхоналарга ер участкаларини узок муддатли ижарага бериш (реализация килиш) масалаларини куриб чикувчи комиссияси йигилишининг 2009 йил 9 июлдаги 124 ракамли карори, Самарканд вилоят табиатни мухофаза килиш кумитасининг 2009 йил 22 июндаги 630-сонли хулосаси, фукаро Сатторов Асламнинг туман хокими номига берган аризаси, ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

## Карор киламан:

1. Фукаро Сатторов Асламга гушт дукони куриш учун жами 17,0 кв. метр туман захира ерлари хисобидаги кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиш хакидаги туман хокимлиги хузуридаги ер участкаларни кишлок хужалиги кооперативи (ширкат) хужалиги, дехкон ва фермер хужаликларига ва бошка ташкилот, корхоналарга ер участкаларини узок муддатли ижарага бериш (реализация килиш) масалаларини куриб чикувчи комиссияси йигилишининг 2009 йил 9 июлдаги 124 ракамли карори ва ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиклансин.

2. Фукаро Сатторов Асламга гушт дукони бино иншоотларини куришдан олдин Узбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал килган холда А.Р.Т. лойиха смета хужжатларини тайёрлаб Давлат курилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси руйхатидан утказиш вазифаси топширилсин.

3. . Узбекистон Республикасининг «Солик кодекси»га асосан ер солигини ундириш ва 2010 йил 1 январ холатидаги ер балансига узгартириш киритиш туман Давлат солик инспекцияси (З. Аминов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри булими (Ш Бурхонов)га топширилсин.

4. Ушбу карорни бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Б. Кодиров зиммасига юклансин.

**Туман хокими:** **Б. Садуллаев**